


Шерободда Бойсун туманидаги “Enter engineering Pte. Ltd” компаниясига ишга кириш истагида бўлган фуқаролар танловдан ўтказилди



Унда вилоят миқёсидаги барча шаҳар ва туманлардан келган 150 нафардан ортиқ фуқаролар қатнашди. Танловда вакиллар компанияга махсус техникаларни бошқарадиган ҳайдовчи ҳамда пайвандлаш бўйича 23 ёшдан 53 ёшгача бўлган мутахассислар керак эканлиги айтиб ўтишди. Шунингдек 2023 йил 5 январдан бошлаб, Бойсун тумани “Қўлқамиш” маҳалласи Кофрун қишлоғида ҳафтанинг ҳар пайшанба куни соат 9:00 дан 11:00 гача техникаларни бошқариш ва бошқа шуни каби амалиёт танловлари ўтказилиши таъкидланди.